

The Muslim 500-2021: Муфтий Усмонхон Алимов жаҳондаги нуфузли 500 мусулмон қаторидан ўрин олди



20:01 / 27.10.2020 1553

Уммондаги Қироллик Исломий стратегик тадқиқотлар маркази томонидан 2009 йилдан бери эълон қилиб келинаётган «Жаҳондаги энг нуфузли 500 мусулмон» рўйхатидан Ўзбекистон бош муфтийси Усмонхон Алимов бу йил ҳам ўрин олди. Бу ҳақда dauro.uz манбаси хабар берди. Муфтий Усмонхон Алимов мазкур рўйхатга ўн бир мартаба киритилди.

«[The Muslim 500](#)»нинг бу йилги рейтингида биринчи ўринни Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдўғон эгаллаган. Ўтган йили президент Эрдўғон мазкур рўйхатда 6-ўринда эди.

Дунёдаги нуфузли мусулмонлар рўйхатида иккинчи ўринга Саудия Арабистони подшоҳи Салмон ибн Абдулазиз, учинчига эса Эрон олий руҳонийси Оятуллоҳ Али Хоманай қўйилган.

Жаҳондаги нуфузли 500 нафар мусулмон қаторида бу йил Озарбайжон, Туркманистон, Тожикистон ва Чеченистон президентлари ҳам рўйхатга қўшилган.

Шунингдек, таниқли спортчилардан UFC амалдаги чемпион Ҳабиб Нурмагомедов ҳамда «Ливерпуль» ҳужумчиси Муҳаммад Салоҳ [The Muslim 500](#) га киритилди.

